



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO'MITASINING QARORI

2021 y. «26» феврал № 4

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, чакана савдо товар айланмаси статистика ҳисобини ташкил қилиш услубиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 6-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор тасдиқланган кундан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов

*Q-0126

**Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний
шахсларнинг танланма кузатувларини ўтказиш
тартиби**

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ўтказиш тартиби (кейинги ўринларда-Тартиб) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ўтказишда фойдаланилади.

Танланма кузатувнинг мақсади – республикада чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг товарлар сотишдан тушган тушуми ҳажмларини аниқлаш ҳисобланади.

Танланма кузатув Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган “Савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисида сўровнома (4-savdo (Jsh))”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотувчи жисмоний шахслар тўғрисида сўровнома (12-bozor)” ва “Чорва моллари ва паррандаларни сотувчи жисмоний шахслар тўғрисида сўровнома (12-bozor(chorva))” асосида ўтказилади.

Ушбу тартибда жисмоний шахс сифатида юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда чакана бозорларда аҳолига товарлар савдосини амалга ошираётган фуқаролар назарда тутилади.

Юридик шахслар кузатув объекти бўлиб ҳисобланмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартибда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

сўровнома – ягона тадқиқот ғояси билан бирлаштирилган саволлар тўплами;

координатор – кузатувни ташкил этиш, сифатини таъминлаш ва кузатув систематик ҳолатини назорат қилувчи жавобгар мутахассис;

респондент – социологик ёки бошқа сўровномада иштирок этувчи шахс;

савдо объекти – савдо ҳажми, иморат ўлчами, мулкчилик шаклидан қатъий назар товар ва хизматларни сотиш учун мўлжалланган бино ва иншоотлар. Чакана савдо объектларига: бозор, гипермаркет, супермаркет, савдо мажмуаси, савдо маркази, универсам, универмаг, минимаркет, гастронам, ихтисослаштирилган дўконлар, палаткалар, лотоклар, автодўконлар, павильонлар, киосклар, дўконлар киради;

бозор – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда ва белгиланган қоидалар бўйича савдо фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, белгиланган тартибда ана шундай мақом олган доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган мулкӣй комплекс;

деҳқон (озиқ-овқат) бозори – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тайинланган, кенг турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шохобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари)дан фойдаланган ҳолда чакана савдони ташкил этган доимий ёки вақтинча амал қилувчи мулкӣй комплекс;

чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар бозори – тирик чорва, парранда ва бошқа ҳайвонлар билан савдо қилувчи юридик мақомга эга деҳқон (озиқ- овқат) бозорининг алоҳида бўлинмаси.

II. Кузатувни ташкил этиш

2. Танланма кузатув туман (шаҳар) статистика бўлимлари мутахассислари (кейинги ўринларда-интервьюер) томонидан ўтказилади.

3. Ҳар бир интервьюер қуйидагилар билан таъминланган бўлиши керак:

- бозор, савдо маркази номи, унинг манзили, бозордаги савдо жойлари, савдо объектлари ва савдо марказлари рўйхати билан;

- интервьюер унга бириктирилган ва кузатув учун танланган бозор ва савдо комплекслари сонидан келиб чиққан ҳолда етарли сўровномалар билан таъминланиши;

- бозор, савдо комплекси маъмуриятига кузатув ўтказишда кўмаклашиш илтимоси билан ҳудудий давлат статистика органи раҳбари томонидан тасдиқланган мурожаатнома билан;

- статистика ходими/ интервьюер гувоҳномаси билан.

4. Ҳудудий статистика бошқармалари раҳбарлари томонидан 1-иловага мувофиқ, кузатув ўтказилишига жавобгар шахслар тасдиқланади, бунда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлими бошлиғи координатор ҳисобланади.

5. Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ҳудудий бўлимлари томонидан 2-иловага мувофиқ, ўз фаолиятини доимий равишда амалга ошираётган ва савдо учун кенг ассортимент таклиф этувчи бозор, савдо комплекслари рўйхати тузилади. Ушбу рўйхат Давлат статистика қўмитасининг Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармасига юборилади. Кузатув учун танланган бозор ва савдо комплексларида 3, 4 ва 5 иловаларда келтирилган товарлар савдо жойлари мос равишда танланади.

Шунда деҳқон бозорлари ва чорва моллари, паррандалар ва бошқа ҳайвонлар бозорларида кузатув жойлари бир интервьюерга ўртача 50 савдо жойи юкламаси ҳисобида танланади. Кузатув ҳажми ҳамма товарлар учун бир хил ёки уларнинг минтақавий келиб чиқишига кўра ҳар хил бўлиши мумкин.

Агар бозорлардаги савдо учун ажратилган савдо майдончалари жойи 50 дан кам бўлса, унда кузатувда жисмоний шахслар учун ажратилган барча мавжуд савдо майдончалари қамраб олинади.

6. Савдо майдончаларининг ёпилиши ёки товарлар ассортименти ўзгариши ҳолати юзага келганда, кузатув учун танланган бозор ва савдо комплексларидаги савдо майдончалари рўйхатига ҳар йилнинг 1 февралигача аниқлик киритилиши керак.

7. Савдо объектларини танлаш ҳудудий статистика органлари томонидан амалга оширилади. Бунда уларга танловда муайян эркинлик берилади, бироқ улар қуйида келтирилган мезонларга амал қилган ҳолда объектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитаси билан келишиб оладилар.

8. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар) кузатуви савдо объектларида (кийим-кечак, аралаш ва озиқ-овқат бозорлари ҳамда дўконларида, гипермаркет, супермаркет, минимаркетларда ва ҳ.к.), шунингдек, кўчма савдо (палатка, киоск ва ҳ.к.) жойларида ҳам амалга оширилади.

9. Зарур ҳолларда кузатув учун танланган бозор ва савдо комплексларидаги ёпилган савдо майдончаларини янги очилган савдо майдончаларига алмаштириш, шунингдек, сотувчилар сўровномада иштирок этишга эътироз билдирган ҳолларида сўровнома бошқасига алмаштирилади.

10. Танлаб олинган дўконлар таркибида албатта ҳам универсал, ҳам ихтисослашган дўконлар, яъни хўжалик, китоб, маиший техника ва бошқа турдаги дўконлар бўлиши зарур.

11. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар) танланма кузатувини амалга оширишда, кузатув объекти рўйхатига кузатилаётган барча савдо нуқталари, уларнинг манзили ва сотилаётган товарлар гуруҳи тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Масалан, “Юнусобод бозори”, Аҳмад Дониш кўчаси, савдо шохобчалари:

- а) 1-савдо қатори, 10-жой – озиқ-овқат маҳсулотлари;
- б) 2-савдо қатори, 11-жой – ноозик-овқат маҳсулотлар (кийим-кечак);
- в) 3-савдо қатори, 12-жой – ноозик-овқат маҳсулотлар (маиший техника).

12. Савдо объектлари алмашганда ёки янги савдо объектлари кузатувга киритилганда мазкур рўйхат янгиланади.

Савдо объектлари узоқ муддатга ёпилган ёки тугатилган бўлса, бундай ҳолатларда ҳам уларни алмаштириш зарур. Объектларни алмаштириш учун товарлар ассортименти, товарларни сотиш шароитлари бўйича асосий кузатувга киритилган объектлар билан бир хил бўлган савдо объектларини танлаш тавсия этилади.

13. Савдо фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)нинг танланма кузатуви интервьюерлар томонидан ҳар чоракда, яъни ҳисобот чорагининг охириги ойи (март, июнь, сентябрь, декабрь)нинг иш кунлари ва дам олиш кунларида ўтказилади. Шунда Илова №3 да келтирилган товарлар рўйхатига

мувофиқ, савдо фаолияти билан шуғулланадиган барча жисмоний шахсларнинг 10 % идан кам бўлмаган қисми қамраб олинади.

14. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатуви ҳамда чорва моллари ва паррандаларни сотувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатуви ҳар ойда ўтказилади.

15. Давлат статистика қўмитасининг Ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси ҳар чорак охири ойининг 10 санасига қадар координаторга жойларда кузатув ўтказиш учун қуйидагиларни аниқлайди ва юборади:

- жисмоний шахсларнинг кузатувини ўтказиш санаси ва муддатини;
- 1-savdo (Jsh) бўйича кузатиладиганларнинг сонини (Давлат органларида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган ва савдо фаолияти билан шуғулланадиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳақидаги олинган маълумотларга кўра).

III. Кузатув ўтказиш

16. Агар кузатув жойи бозор ва савдо комплекси бўлса, интервьюер бозор (савдо комплекси) маъмуриятидан савдо фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар савдо майдончалари тўғрисида аниқлик киритади. Бошқа кузатув ўтказиладиган жойларда интервьюер кузатув ўтказишдан олдин сотувчилар сони, қандай товарлар сотиш учун мўлжалланганлиги ва кузатув жойини ўрганиши лозим. Ундан кейин интервьюер сўровномада келтирилган товарлар гуруҳи бўйича савдо қилаётган жисмоний шахслар билан сўров ўтказади.

17. Интервьюер сўров ўтказишдан олдин респондентларга гувоҳномасини кўрсатиши шарт. Бундан ташқари сотувчига ундан олинган дастлабки статистик маълумотлар махфийлигини ва фақатгина статистик мақсадларда фойдаланилишини тушунтириши лозим.

Сотувчилардан олинган маълумотлар сўровномага сотувчилар жавобларнинг тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда киритилади.

Сўров якунида сотувчига ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдириш ва ундан олинган маълумотлар расмий статистик маълумотларни шакллантиришдан бошқа жойларда ишлатилмаслигини яна бир бор таъкидлаб ўтиши керак.

18. Сўровнома аноним ҳисобланади ва унда респондент шахсий маълумотлари киритилмайди. Сўровнома интервьюер томонидан респондент жавоблари асосида тўлдирилади.

19. Жисмоний шахснинг сўровномада иштирок этишдан бош тортиш ҳолати юзага келса, интервьюер кейинги респондентга ўтади, чунки олинган маълумотларнинг шаффофлиги ҳамда ишончлилиги жавобларнинг самимийлиги ва аниқлигига боғлиқ.

Сўровномада иштирок этган респондентлар сони кузатув объектида белгиланганлар сонидан кам бўлмаслиги керак.

20. Сўровнома ўтказиш вақтида, қуйидагиларга аҳамият бериш лозим: бир хил товарларга сотувчиларнинг жавобларини таққослаш, агар катта фарқ кузатилса, аниқлик киритиш учун қўшимча саволлар беришга.

IV. Интервьюерлар ишининг сифат назорати

21. Танланма кузатувни ташкил этиш билан шуғулланадиган ҳудудий статистика органлари интервьюерларнинг ишлаш сифатини назорат қилиш учун уларга бириктирилган бозор ва савдо комплексларини йил давомида мажбурий ташрифлар билан кузатишлари шарт.

22. Интервьюерларнинг сифат назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- интервьюер ва сотувчининг савол жавоб жараёнини назорат қилиш;
- товарлар чакана савдоси ҳажми бўйича сотувчилар билан назорат савол жавоб ўтказиш.

Бирламчи статистик маълумотлар ва сотувчининг товарлар чакана савдоси ҳажми бўйича назорат савол жавоблари мос келмаса, кузатувни ташкил этиш билан шуғулланадиган ҳудудий статистика органлари ходимлари сўровномага ўзгартиришларни киритиши ва дастурий таъминотга тузатиш киритиши шарт.

V. Кузатув сўровномасини йиғиш ва қайта ишлаш

23. Кузатув сўровномасида ўзича ўзгартиришлар киритиш, тўғрилаш суюқлиги ёрдамида тузатишлар қилиш, шунингдек қалам билан тўлдириш тақиқланади.

24. Кузатувда иштирок этаётган ҳар бир жавобгар интервьюер тўлдирилган сўровномаларни ҳудудий Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлимларига тақдим этади.

25. Координатор қабул қилинган сўровномаларни тўлдириш талабларига мувофиқлигини текширади ва Давлат статистика қўмитаси томонидан 2 июнь 2014 йилда тасдиқланадиган 37-сонли регламент асосида интервьюер ишини баҳолайди. Текширувдан кейин сўровномалар дастурий таъминотга киритилади.

26. Чикадиган жадвалларни координаторнинг шахсан ўзи таҳлил қилади ва бошқарма бошлиғи билан келишади. Йиғма жадваллар таҳлилида битта жисмоний шахснинг бир ойлик товар айланмасига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, битта жисмоний шахс бир ойлик товар айланмаси ҳажми аҳамияти жиҳатидан минтақалар ўртасида таққосланиши керак.

27. Ишлар якунлангач, маълумотлар базаси, туманлар (шаҳарлар) кесимидаги таҳлилий жадваллар кўринишидаги йиғма натижалар ва интервьюер ишининг баҳоси Давлат статистика қўмитасига электрон тарзда Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқариш дастурида тасдиқланган санадан кечиктирмай юборилади.

Эслатма: Ушбу йўриқномада келтирилган атамалар фақат давлат статистик кузатувларини бозор, савдо марказларида яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг чакана савдо ҳажмини кузатувини ташкил этиш ва ўтказишда давлат статистика органлари томонидан фойдаланилади.

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи
жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувларини ўтказиш тартибига
1-ИЛОВА

**Савдо фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувида иштирок этадиган мутахассисларнинг
РЎЙХАТИ**

Худуд номи	Интервьюернинг Ф.И.Ш.	Лавозими	Координаторнинг Ф.И.Ш.

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи
жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувларини ўтказиш тартибига
2-ИЛОВА

**Кузатув ўтказиладиган бозор, савдо мажмуаси ва бошқа жойларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	СТИР	Объект номи	Манзили	Жами савдо нуқталарининг сони	Улардан савдо қилувчи жисмоний шахслар

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи
жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувларини ўтказиш тартибига
3-ИЛОВА

Маҳсулотлар рўйхати (гурухлар)
4-savdo (JSh)

Сатр коди Код строки	Маҳсулотлар номи Наименование товаров
А	Б
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари I. Продовольственные товары	
47.21.01	Тарвуз ва қовун (янги) Арбузы и дыни (свежие)
47.21.02	Ўзум (янги) Виноград (свежие)
47.21.031	Олма Яблоки
47.21.032	Бошқа мевалар (янги) Прочие фрукты (свежие)
47.21.04	Картошка (ишлов берилмаган) Картофель (непереработанный)
47.21.05	Қовоқ (янги) Тыква (свежая)
47.21.061	Помидор Помидоры
47.21.062	Сабзи Морковь
47.21.063	Нўшпиёз Лук репчатый
47.21.06	Бошқа сабзавотлар (янги) Прочие овощи (свежие)
47.21.07	Қайта ишланган сабзавотлар Овощи переработанные
47.21.08	Қайта ишланган мевалар Фрукты переработанные
47.22.01	Гўшт, парранда гўштини қўшган ҳолда Мясо, включая мясо птицы
47.22.02	Гўшт консервалари Мясные консервы
47.22.03	Колбаса маҳсулотлари ва дудламалар Колбасные изделия и копчености
47.22.09	Бошқа гўшт маҳсулотлари Прочие продукты из мяса
47.23.01	Тирик ва музлатилган балиқ Рыба свежая и охлажденная
47.23.02	Балиқ консервалари Рыбные консервы
47.23.09	Бошқа балиқ ва денгиз маҳсулотлари Прочая рыба и морепродукты
47.24.01	Нон ва нон маҳсулотлари Хлеб и хлебобулочные изделия
47.24.02	Ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари Мучные кондитерские изделия
47.24.03	Шакарли қандолат маҳсулотлари Сахаристые кондитерские изделия

Сатр коди Код строки	Махсулотлар номи Наименование товаров
А	Б
47.25.22	Минерал сув Минеральная вода
47.25.23	Мева ва сабзавот соклари Фруктовые и овощные соки
47.25.29	Бошқа спиртсиз ичимликлар Прочие безалкогольные напитки
47.29.011	Курук сут Сухое молоко
47.29.012	Пишлоқ Сыр
47.29.013	Сариёғ Масло сливочное
47.29.014	Музқаймоқ Мороженое
47.29.019	Бошқа тоифага киритилмаган сут ва бошқа сут махсулотлари Молоко и прочие молочные продукты, не включенные в другие категории
47.29.022	Қиздирилган озиқ-овқат ёғи ва бошқа озиқабоп хайвон ёғлари Жир пищевой топленый и прочие животные пищевые жиры
47.29.023	Маргарин махсулоти Маргариновая продукция
47.29.030	Тухум Яйца
47.29.041	Ун Мука
47.29.042	Макарон махсулотлари Макаронные изделия
47.29.050	Шакар Сахар
47.29.061	Қахва Кофе
47.29.062	Чой Чай
47.29.063	Какао Какао
47.29.064	Зираворлар Пряности
47.29.071	Гуруч Рис
47.29.072	Бошқа ёрмалар (гуручдан ташкари) Прочие крупы (кроме риса)
47.29.091	Туз Соль
47.29.092	Болалар овқатлари Детское питание
47.29.099	Бошқа тоифага киритилмаган озиқ-овқат махсулотлари Продукты питания прочие, не включенные в другие категории
II. Нооziқ-овқат махсулотлар	
II. Непродовольственные товары	
45.32.00	Автомобил деталлари, узеллари ва жиҳозлари Автомобильные детали, узлы и принадлежности
45.40.22	Мотоцикллар ва мопедларнинг деталлари, узеллари ва жиҳозлари Детали, узлы и принадлежности мотоциклов и мопедов
47.41.01	Компьютерлар Компьютеры
47.41.02	Компьютер алоҳида сиртки ускуналари Периферийное компьютерное оборудование

Сатр коди Код строки	Махсулотлар номи Наименование товаров
А	Б
47.42.01	Уяли ва бошқа симсиз алоқа тармоғи учун телефонлар Телефоны для сотовых и прочих беспроводных сетей связи
47.42.09	Бошқа телекоммуникацион ускуналар ва уларнинг қисмлари Телекоммуникационное оборудование прочее и его части
47.43.01	Телевизорлар Телевизоры
47.43.09	Бошқа радио, аудио ва видеоаппаратура Радио, аудио и видеоаппаратура прочая
47.51.01	Йигирилган ип Пряжа
47.51.02	Газламалар Ткани
47.51.03	Атторлик моллари Галантерейные товары
47.51.09	Дастурхон ва чойшаб, пардалар ва бошқа тўқимачилик махсулотлари Столовое и постельное белье, занавески и прочие текстильные изделия
47.52.01	Санитария техник ускуналар Санитарно-техническое оборудование
47.53.10	Гидамлар ва гилам махсулотлари Ковры и ковровые изделия
47.54.01	Маиший кир ювиш машиналари Стиральные машины бытовые
47.54.02	Электр чанг ютгичлар Электропылесосы
47.54.03	Электр дазмоллар Электроутюги
47.54.04	Кондиционерлар Кондиционеры
47.54.05	Совуткичлар ва музлатгичлар Холодильники и морозильники
47.54.09	Бошқа маиший электр товарлари Прочие электробытовые товары
47.59.10	Маиший мебель Бытовая мебель
47.59.91	Ёритиш ускуналари Осветительное оборудование
47.59.92	Маиший анжомлар, ошхона анжомлари, идишлар, шиша, чинни ва сопол буюмлар Бытовая утварь, столовые принадлежности, посуда, стеклянные, фарфоровые и керамические изделия
47.59.93	Ёғоч, пўкак ва тўқима буюмлар Изделия из дерева, пробки и плетеные изделия
47.59.94	Маиший нозлектр ускуналар Бытовые неэлектрические приборы
47.59.95	Мусика асбоблари Музыкальные инструменты
47.59.99	Бошқа маиший товарлар ва ускуналар Прочие бытовые товары и оборудование
47.61.00	Китоблар Книги
47.62.01	Газеталар ва журналлар Газеты и журналы
47.62.02	Канцелярия буюмлари Канцелярские принадлежности
47.64.01	Велосипедлар Велосипеды

Сатр коди Код строки	Махсулотлар номи Наименование товаров
А	Б
47.64.09	Спорт, балиқ овлаш ва туризм учун бошқа товарлар Прочие товары для спорта, рыбалки и туризма
47.65.00	Ўйинлар ва ўйинчоқлар Игры и игрушки
47.71.11	Пайпоқ буюмлари Чулочно-носочные изделия
47.71.12	Бошқа трикотаж буюмлари Прочие трикотажные изделия
47.71.21	Бош кийимлар Головные уборы
47.71.22	Кийимлар учун аксессуарлар Аксессуары для одежды
47.71.29	Бошқа тоифага киритилмаган кийимлар Одежда прочая, не включенная в другие категории
47.72.10	Пойафзал Обувь
47.72.20	Чарм буюмлар (кийимларсиз ва пойафзалсиз) Изделия из кожи (без одежды и обуви)
47.75.01	Атир совун Мыло туалетное
47.75.09	Бошқа пардоз товарлари ва гигиена предметлари Прочая парфюмерно-косметическая продукция и туалетные принадлежности
47.76.01	Гуллар, ўсимликлар, уруғлар ва ўғитлар Цветы, растения, семена и удобрения
47.76.02	Уй ҳайвонлари ва улар учун озуқалар Домашные животные (питомцы) и корма для них
47.77.01	Соатлар Часы
47.78.01	Фотография, оптик ва аниқ асбоблар Фотопринадлежности, оптические и точные приборы
47.78.02	Ёдгорликлар, қўлда ясалган майда буюмлар ва диний товарлар Сувениры, поделки и религиозные товары
47.78.04	Тирик кишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва улар учун озуқалар Живые сельскохозяйственные животные и корма для них
47.78.05	Тозаловчи ва бошқа майший кимё воситалари Чистящие и прочие средства бытовой химии
47.78.06	Хўжалик совуни Мыло хозяйственное
47.78.07	Қоғоз ва картон Бумага и картон
47.79.00	Илгари истеъмолда бўлган товарлар Товары бывшие в употреблении

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи
жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувларини ўтказиш тартибига
4-ИЛОВА

Маҳсулотлар рўйхати (гурухлар)
12-bozor

Сатр коди Код строки	Маҳсулотлар номи Наименование товаров
А	Б
4729071	Гуруч Рис
4729072	Нўхат Горох
472104	Картошка Картофель
472106	Помидор Помидоры
472111	Сабзи Морковь
472110	Нўшпиез Лук репчатый
472105	Қовок Тыква
472112	Тузланган карам Капуста квашеная
4729064	Зираворлар Пряности
472101	Тарвуз ва қовун (янги) Арбузы и дыни (свежие)
472109	Олма Яблоки
472103	Нок Груши
472102	Узум Виноград
472108	Туршак (баргак) Сушёный урюк (курага)
472201	Парранда гўшти Мясо птицы
4729019	Қатик Молоко кислое
4729012	Пишлоқ, бринза Сыр, брынза
4729013	Сариеғ (уй хўжаликники) Масло сливочное (домашнее)
4729030	Тухум Яйца
472401	Тандир нон Лепешки
472402	Тортлар, пирожнилар, пироглар (хонадон пишириклари) Торты, пирожные, пироги (домашняя выпечка)
472403	Миллий ширинликлар Национальные сладости
477601	Гул кўчатлари Цветочная рассада
477804	Хар хил пичан Сено

Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи
жисмоний шахсларнинг танланма
кузатувларини ўтказиш тартибига
5-ИЛОВА

Маҳсулотлар рўйхати (гурuhlар)
12-bozor (chorva)

Сатр коди Код строки	Номи Наименование
А	Б
201	2 ёшдан катта бўлган қорамоллар Крупный рогатый скот старше 2 лет
202	1 ёшгача бўлган ёш моллар Молодняк до 1 года
203	1 ёшдан 2 ёшгача бўлган ёш моллар Молодняк от 1 года до 2 лет
204	Қўй Овцы
205	Эчки Козы
206	Чўчкалар (4 ойдан катта) Свиньи (старше 4 месяцев)
208	3 ёшдан катта бўлган отлар Лошади старше 3 лет
209	Той-отлар (3 ёшгача) Лошади – молодняк (до 3 лет)
	Парранда: Птица:
210	товук куры
211	курка, ўрдак, ғоз индюки, утки, гуси